2007 ЙИЛ, 23 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 233 (11.042)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 2007 йилги жаҳон биринчилигида чемпионликни қўлга киритиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчи ёшларни тарбиялашга, ўзбек футболининг шуҳратини дунёга танитиш, унинг нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

**Исмаилов Анвар Акбарович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийси

**«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»**

**Абдураҳмонов Азиз Абдукаримович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Азимов Азизжон Каримович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Сулеймонов Павел Таджибаевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Ташходжаев Зохидходжа Олимович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Турсунбаев Хайдарали Умаралиевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Шукуров Абдужамил Абдулазизович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 22 ноябрь*

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

**ТУРКИЯНИНГ АНТАЛИЯ ШАҲРИДА НОГИРОН-АМПУТАНТЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ИШТИРОКИДА ЎТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУТБОЛЧИЛАР БОШ СОВРИННИ ҚЎЛГА КИРИТИБ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ДЕГАН ЮКСАК ШАРАФГА МУЯССАР БЎЛДИЛАР.**



Туркияда ўзбекистонлик ногирон-футболчилар дунёда тенгсиз эканини исботлади. Ўзбекистон терма жамоаси уч карра жаҳон чемпиони — Бразилияни 4:2, Сьерра-Леонени 3:0, Эронни 3:1, Нигерияни 3:0 ҳамда Украинани 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллади ва чорак финалга йўлланма олди.

Кейинги босқичда эса Африка қитъаси вакили – Либерияни 7:1, мусобақа мезбони – Туркия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз финалда уч карра жаҳон чемпиони – Россия терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Саккиз учрашувда саккизта гол киритган ҳужумчимиз Абдужамил Шукуров "Энг яхши тўпурар" совринига сазовор бўлди.

Таъкидламоқ лозимки, бу терма жамоамизнинг жорий йилдаги ягона ғалабаси эмас. Матонатли ҳамюртларимиз сентябрь ойида Россиянинг Нижний-Новгород шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) кубоги учун ўтказилган мусобақада ҳам бош соврин соҳиби бўлган эдилар.

Ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси 22 ноябрь куни Ватанимизга қайтди. Тошкент аэропортида уларни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий параолимпия ассоциацияси, Футбол федерацияси раҳбарлари, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, спортга кенг жалб этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

**Ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Анвар ИСМОИЛОВ:**

— Туркияда ўтган жаҳон чемпионатида йигитларимиз юксак маҳоратидан ташқари, кучли иродага эга эканини яна бир бор намойиш қилди. Футболчиларимиз беллашувлар давомида мамлакатимиз Президенти, бутун халқимиз уларни қўллаб-қувватлаб турганини ҳис этиб турди. Аҳоли ўртасида, жумладан, ногиронлар орасида спортни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиладиган мамлакат спортчиларигина бундай юксак ғалабаларни қўлга киритиши мумкин. Ўзбекистонимиз ана шундай мамлакатдир. Мен Анталияда футболчиларимиз шарафига давлатимиз мадҳияси янграганида шогирдларимнинг кўзларида қувонч ёшларини кўрдим. Қалбимда фахр-ифтихор туйғулари жўш урди, бошим осмонга етди.

**Ногиронлар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Абдужамил ШУКУРОВ:**

— Миллий терма жамоамизнинг ушбу улкан ғалабаси — мамлакатимизда аҳолининг барча қатламлари сингари ногиронлар ўртасида ҳам спортни ривожлантиришга, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор самарасидир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг биз, ногиронларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ҳаётдан муносиб ўрин топишимизда, ўқишда, ишда ва спортда янгидан-янги марраларни забт этишимизда асосий омил бўлмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий ва юксак самараларидир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида компьютер курси очилиши муносабати билан «Компьютер оламига марҳамат» мавзуида «Очиқ эшиклар куни» уюштирилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 544-мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар, тарбиячилар ҳамда педагоглар иштирокида ўтказилган тадбир «Ҳосил байрами» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** электр-энергия тармоғи мутахассислари иштирокида замонавий русумдаги электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилганлигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ТЕЗ** кунларда сув спорти мухлислари шаҳримизда сузиш бўйича қизлар ўртасида уюштириладиган «Сув париси—2007» мусобақасининг гувоҳи бўлишади.

● **КЕЧА** Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Касаба уюшмаси ташаббуси билан шаҳримиздаги олий ўқув юртлари талабаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди. Шунингдек, тадбир қатнашчиларига Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан тайёрланган «Уч кунлик дунё» спектакли намойиш этилди.

● **ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан Республика Онкология илмий марказига хориждан замонавий тиббий технологиялар келтирилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**20–22 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Комилов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этди. Савол-жавоблар ҳамда ҳужжатнинг ҳар бир моддаси батафсил муҳокама қилинганидан кейин Қонун қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Ражабов тақдим этди. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар томонидан билдирилган бир қатор таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси М.Абдуллаева «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим эканлигини таъкидладилар. Билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартномани (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақидаги»ги қонун лойиҳасини Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси У.Жалменов тақдим этди. Батафсил муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси А.Бойқулов тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Солиев «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Аҳадовнинг маърузасини тинглаб, Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этиб, мамлакатнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Депутатлар қонун лойиҳасида қўлланилаётган асосий тушунчалар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг таклиф этилаётган тизими, солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи нормалар, солиқ мажбуриятларининг бажарилиши, шунингдек солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, бир қатор бошқа қоидалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасига қабул қилинган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ва учинчи ўқишда муҳокамага киритишни топширди.

Қонунчилик палатасининг мажлиси 2007 йил 23 ноябрь куни давом эттирилади.

**ЎзА**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳамкорлигида ташкил этилиб, Тошкент шимолий темир йўл вокзалидан жўнаган инсонпарварлик юклари ортилган навбатдаги «Саломатлик» поезди Қашқадарёга етиб келди.**

**● «Самарқанд автомобиль заводи» конвейерларидан мингинчи «Isuzu» автобуси чиқди. Шу муносабат билан корхонада ўтказилган тақдимот маросимида йил охиригача бу ерда 1,5 мингта «Isuzu» машиналари тайёрланиши режалаштирилгани, келгусида бу кўрсаткич 4 мингтага етказилиши таъкидланди.**

**● Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида мамлакатимизнинг экотуризм салоҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди.**

**● Жиззах вилояти ахборот-кутубхона марказида умумтаълим мактаблари учун 2008-2009 ўқув йилига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг кўргазма-ярмаркаси ўтказилди.**

**● Мўйноқ шаҳри аҳолисига табиий газ етказиб бериш тубдан яхшиланди. Бунга мавжуд 200 километрлик линия, 100 та газ тақсимлагични вақтида сифатли таъмирлаш орқали эришилди.**

**● Тошкентдаги Лаъл Баҳодир Шастри номли ҳинд маданияти марказида замонавий Ҳиндистон ва унинг кўп асрлик маданияти тўғрисида тингловчиларга билим берган махсус курс якунланди.**

**● Қарши-Термиз магистраль оптик-толали алоқа линияси фойдаланишга топширилди.**

**● Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳридаги «Аранчи» аэродроми ва Бектемир тумани Роҳат кўли ҳудудида спортнинг техник ва амалий турлари — авиамодель ва картинг бўйича «Олтин куз — 2007» номли республика чемпионати бўлиб ўтди.**

**● Фарғонада 20 дан ортиқ шаҳар ва туман босқичи ғолиблари иштирокида хизмат кўрсатиш, савдо ва сервис соҳаси ходимлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди.**

**● Андижон вилоятида ўтказилган Маданият кунлари тадбирида рус, арман, уйғур, корейс ва қирғиз миллий маданият марказларининг вакиллари иштирок этди. Тадбир янги китоблар кўргазмаси билан ниҳоясига етди.**

**● Наманган шаҳрининг «Соҳил бўйи» мавзесида махсус пойабзал дўкони очилди. Бу ерда хусусий тадбиркор Муҳаммадали Расуловнинг «Истиқболпойабзалсавдо» кичик корхонасида тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қилинмоқда. Ушбу пойабзалларга Тошкент, Хоразм, Бухоро вилоятларидан ҳам буюртмалар тушяпти.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Москвада Италия Бош вазири Романо Проди билан музокаралар ўтказди. Ўзаро мулоқот давомида Россия ва Италия ўртасида ҳамкорликда «Жанубий оқим» газ ўтказгичини қуриш тўғрисида битим имзоланди. Қора денгиз тубидан ўтказиладиган мазкур газ ўтказгичдан бошқа Европа давлатлари ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади.**

**● Покистон Олий суди мамлакатда шу йилнинг 6 октябрида бўлиб ўтган президентлик сайловларини қонуний деб топди. Шу тариқа Парвез Мушаррафнинг учинчи муддатга Президентликка сайлангани тан олинди.**

**● Бангладешга хуруж қилиб, 2,4 минг одамнинг ҳаётига зомин бўлган «Сидр» тропик тўфони оқибатларини тугатиш учун кеча БМТ ушбу мамлакатга 8,8 миллион доллар маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

**● Францияда 14 ноябрдан бошланган турли соҳа ходимларининг иш ташлашлари ва норозилик намойишлари кеча олий ўқув юртлари талабалари томонидан давом эттирилди. Улар университет мухторияти тўғрисидаги қонунга қарши норозилик билдирмоқдалар.**

**● Шу йилнинг 11 декабридан бошлаб КХДР ва Корея Республикаси ўртасида поезд қатнови йўлга қўйилади. Икки корейс давлати раҳбарлари имзолаган шартномага мувофиқ, дастлабки юк поездлари ҳаракатлана бошлайди.**

**● Икки кундан буён Петропавловск-Камчатскдаги электр подстанциясида рўй берган носозликни бартараф қилиб бўлмаяпти. Ушбу авария оқибатида 50 минг киши электр қувватисиз қолди, мактаблар ва боғчалар, дўконлар ёпилди. Шу муносабат билан шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**● Кеча Шимолий Осетияда ҳаракатланаётган йўловчи автобусига ўрнатилган қўлбола бомбанинг портлаши оқибатида 5 киши ҳаётдан кўз юмди, 12 йўловчи тан жароҳатларини олди. Ушбу ҳодиса муносабати билан прокуратура томонидан терроризм бўйича жиноий иш очилди.**

**● Кеча Нью-Йоркда ҳаво шарларининг паради бўлиб ўтди.**

**● Чилида бир неча кундан буён давом этаётган зилзилалар 200 дан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўлди. Энг кучли ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 7,7 баллни ташкил этганлиги таъкидланмоқда. Зилзилалар оқибатида 200 нафарга яқин киши бедарак йўқолган.**

ФРАНЦИЯ ЭЛЧИСИ ЖАН БЕРНАР АРТ:

# «ЎЗБЕКИСТОНДАН МУҲАББАТ ВА ДЎСТЛИК ТУЙҒУЛАРИ БИЛАН ҚАЙТМОҚДАМАН»

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ФАОЛИЯТИ НИҲОЯСИГА ЕТГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАН-БЕРНАР АРТ ЎЗ ВАТАНИГА ҚАЙТИШИ ОЛДИДАН «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ МУХБИРИ БИЛАН МУЛОҚОТГА БАЖОНУИДИЛ РОЗИ БЎЛДИ. ҚУЙИДА УШБУ СУҲБАТ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛМОҚДА.**

**—Ҳурматли элчи жаноблари, Сиз Ўзбекистонда фаолият кўрсатган давр ичида жамиятимизнинг турли жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга тадбиқ этилди. Сиз уларни қандай шарҳлаган бўлар эдингиз?**

— Мен Ўзбекистонда қарийб уч ярим йил ишладим. Бу давр мобайнида мамлакатингизда рўй бераётган кўплаб ижобий ўзгаришларнинг бевосита шоҳиди бўлдим. Ўзбекистон бугун шитоб билан ривожланиб бораётирки, ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча қирраларида ўз ифодасини топмоқда. Мен ўзбек шаҳарлари ва республика пойтахти – Тошкентнинг қиёфаси шундоқ кўз ўнгимизда қандай ўзгарганини кузатиш имкониятига эга бўлдим. Бугун у бундан бир неча йил олдинги қиёфасига нисбатан янада гўзал ва замонавий кўриниш касб этган. Тилагим шуки, бой минерал-хом-ашё заҳираларига, улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, юксак инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбия топган Ўзбекистон халқи бундан ҳам катта тараққиётга эришсин.

Ўзбекистон ҳукуматининг ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кенг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга йўналтирилган чора-тадбирларини Францияда қўллаб-қувватлашади. Жумладан, дунёнинг кўпгина мамлакатлари сингари Франция ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан илгари сурилган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонунни қўллаб-қувватлади.

**— Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг, хусусан, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларнинг бундан кейинги истиқболлари тўғрисидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз...**

— Биз бугунги кунларда Ўзбекистоннинг қай даражада барқарор ўсувчанлик билан тараққий топаётганини, мамлакат ҳукумати томонидан иқтисодиёт, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётганини кузатмоқдамиз. Шуни қайд этишни истар эдимки, бизда Франция — Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ўзбек иқтисодиётига янги сармояларни жалб этиш учун ажойиб имкониятлар мавжуддир. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, кимё саноати, коммунал хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари порлоқ, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга, Ўзбекистонда француз тили, маданияти ва санъатини оммалаштиришга қўшган ҳиссалари учун ўзбек дўстларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишни истар эдим. Бундан кейин ҳам халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч руҳига йўғрилган алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фаолиятимизни биргаликда давом эттиришимизга бўлган ишончимни билдиришни истар эдим.

**— Мамлакатимиздан қандай таассуротлар билан юртингизга қайтмоқдасиз? Ўзбек халқига тилакларингиз қандай?**

— Дастлаб Ўзбекистонга элчи этиб тайинланишим менга ва рафиқамга кўп жиҳатдан кутилмаган хабар бўлди. Шу билан бирга, мен бундан ўзимни жуда хурсанд ва бахтиёр ҳис қилдим. Чунки хаёлотимдаги маҳобатли Самарқанд, Амир Темур, кўҳна Буюк Ипак йўли билан боғлиқ, бироқ ўзимга яхши таниш бўлмаган минтақа ҳавосидан бевосита баҳраманд бўлиш имконияти туғилган эди. Бугун мен Ўзбекистоннинг барча халқига нисбатан сидқидил муҳаббат ва дўстлик туйғуларим билан илиқ ва меҳмондўст мамлакатингизни тарк этаётирман. Ўзбекистон бўйлаб хизмат сафарларим чоғида, ҳамма жойда ва ҳамиша ўзбек халқи томонидан кўрсатилган ўзига хос меҳмондўстлик, оққўнгиллик ва саховатни ҳеч қачон унутмайман. Ўйлайманки, ўзбеклардек қалбан бой ва меҳмондўст халқ дунёда кўп учрамайди.

Мен республикадаги институт ва университетларнинг талабалари билан кўп маротаба учрашдим. Ҳар сафар улар ўзларининг чуқур билимга эгаликлари, мулоқотга очиқликлари билан мени ҳайратга солди.

Ўзбек халқи ўзининг бағрикенглиги ва динлараро сабрлилиги билан ҳам менда доимо эҳтиром уйғотган. Ишончим комилки, Ўзбекистон келажаги буюк давлатдир.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**«Жаҳон» АА**

*Учрашувлар*

# ЎҚУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

**ЁШЛАРНИ КОМИЛ ИНСОН ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ ВА КИТОБГА МЕҲРИНИ ОРТТИРИШДА ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ, ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА. ЯҚИНДА ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 274-МАКТАБДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ, ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ, ШОИР, ТАРЖИМОН МУҲАММАД АЛИ, «ТОНГ ЮЛДУЗИ» ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИРИ, ЁЗУВЧИ ТЎЛҚИН ҲАЙИТ, ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ҚУНДУЗХОН ҲУСАНБОЕВАЛАР БИЛАН МАЪРИФИЙ-АДАБИЙ СУҲБАТ ЎТКАЗИЛДИ.**

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фан арбоби Собир Мирвалиев ёзувчилар ижоди билан ўқувчиларни таништиргач жонли мулоқот бошланди. «Рамаяна» эпоси таржимаси, Америка таассуротлари, буюк бобомиз Амир Темур, миллий қадриятларимиз, ижодий режалари ҳақида ёзувчилар мароқ билан сўзлаб беришди. Олима Қ. Ҳусанбоева ўзбек тили адабиёти жозибаси, сўз қудратига тўхталиб ўтди.

—Учрашув баҳона ўқувчиларимиз ёзувчиларимизнинг «Боқий дунё», «Оқ нур», «Мен кўрган Америка», «Вафо маликаси», «Дашнобод ҳангомалари» асарларини ўқиб чиқишди ва саҳна кўринишлари тайёрлашди,— дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Шоҳида Абдуллаева. — Улар ижодидан намуналар ёрдамида тайёргарлик жарёнида мустақил изланишди. Бу эса эркин фикрлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшиши табиий.

Тадбир сўнгида мактаб кутубхонаси ва ўқувчиларга ёзувчилар ўзларининг янги китобларини туҳфа этишди.

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи**

**АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ИККИ КУНДАН БУЁН ШАҲРИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА «ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ, ОЙНА, ЭШИКЛАР, СОВУТИШ ҲАМДА ИСИТИШ ЖИҲОЗЛАРИ Build Expo Uzbekistan — 2007» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

*Кўргазмалар*

# СОҲА РИВОЖИДА ЎЗИГА ХОС ОМИЛ




«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ташаббуси билан бир нечта халқаро компаниялар ҳамкорлигида уюштирилаётган мазкур кўргазманинг юртимизда қурилиш соҳаси ривожида ўзига хос ўрин тутишига шубҳа йўқ. Зеро, Европа, Америка ва Осиёнинг қурилиш саноати ривожланган мамлакатларининг 40 га яқин фирма ва компанияларининг иштироки, мамлакатимиз соҳа вакилларининг қатнашуви албатта, ўзаро манфаатли асосларда кўплаб шартномаларнинг имзоланишига йўл очмоқда. Ўзаро самарали ҳамкорлик эса қўшма корхоналарнинг ташкил этилишига, бинобарин, юртимизга хорижий сармояларнинг кириб келишига замин яратади.




Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, 2007 йилнинг 9 ойи ичида мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 65 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Бу ўтган йилгига қараганда анча юқори кўрсаткичдир.

Мамлакатимиздаги йирик корхоналар ҳамда маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ғишт, цемент, плита, шифер, қувур каби сифатли ва арзон қурилиш материаллари соҳа корхоналари ҳамда аҳолининг талабини қондирмоқда.

Қурилиш материаллари ва техникаси кўргазмасининг бундай муваффақиятларнинг янада ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшиши табиий.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: қурилиш материаллари кўргазмасидан лавҳалар.**
**Наталья Семёнова олган суратлар**

# ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА

**ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ МАЪЛУМОТИГА КЎРА, САЙЁРАМИЗДА ҲАР ЙИЛИ ЎТТИЗ МИЛЛИОН КИШИ ҚИЗАМИҚҚА ЧАЛИНАДИ. УШБУ ИНФЕКЦИЯ ИНСОН ИММУНИТЕТИНИ ПАСАЙТИРИБ, ҲАЁТГА ТАҲДИД СОЛИШИ БАРОБАРИДА БЕПУШТЛИК ВА БОШҚА ОҒИР ХАСТАЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ БИЛАН ҲАМ ХАТАРЛИДИР.**

Шу муносабат билан Тошкентда қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш ишларини олиб боришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Юртимизда 25 ноябрга қадар давом этадиган мазкур тадбир доирасида 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган саккиз миллион нафардан кўпроқ фуқаро қизамиқ ва қизилчага қарши эмланади. Бундан ташқари, республикамизнинг барча тиббиёт муассасаларида қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш бўйича амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбирда сўз олганлар томонидан ҳозирда турли ўткир инфекцияларни йўқотувчи юзлаб вакциналар ишлаб чиқарилаётгани, бундай препаратлар ёрдамида кўплаб касалликлар бутунлай бартараф этилаётгани, шунингдек, қизамиқ ва қизилча каби юқумли касалликлар кучли назоратга олингани таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги кунда барча ўқув тарбия муассасаларида бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналарида, маҳаллаларда, қолаверса барча ташкилот, идораларда эмлаш пункти ташкил этилган бўлиб, тиббиёт ходимлари жалб қилинган ҳамда тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Вакцина бепул ўтказилади ва унинг хавфсизлиги тиббиёт ходимлари томонидан тўлиқ назоратга олинади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ушбу касалликларни республикамиздан чиқариб ташлашга ва бу хавфли касалликни бутунлай бартараф этиш учун курашишга қаратилган. Бу борада жойларда 500 мингдан ортиқ плакатлар, кўргазмали қуроллар тарқатилган. Амалга оширилаётган хайрли ишларнинг самарали бўлиши, албатта аҳолининг мазкур касалликлардан хабардор бўлишига ҳам боғлиқ. Шу боисдан, ушбу тадбирга бир қатор оммавий ахборот воситалари вакиллари кенг жалб қилинган. Дарҳақиқат, ушбу кенг кўламли акция замирида инсон саломатлиги ётади.

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ МАРКАЗИДА «ДУТОР НАВОЛАРИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАБ ЮРТИМИЗ ВА КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ САНЪАТКОРЛАРИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МУСИҚИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

# ДУТОР НАВОЛАРИДА МИЛЛИЙЛИК МУЖАССАМ

Унда япон ва ўзбек ижодкорлари томонидан ҳар икки давлатнинг миллий санъати ва маданияти уйғунлашган чиқишлар тақдим этилди. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур тадбир орқали иштирокчилар мумтоз санъатимиз билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Ҳозирда жаҳон аҳлининг санъатимизга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бораётгани таҳсинга сазовор. Ушбу тадбирга миллийлигимизни ўзида акс эттириб турган дуторнинг торларини бармоқлари билан чертиб ундан таралаётган оҳангни бутун борлиғи билан ҳис қилаётган япониялик ижодкорларнинг қизиқиши чексиздир.

–Ўзбекистон-Япония маркази 2001 йилдан буён бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда, – деди тадбир иштирокчиси Кинуко Сакамато. Албатта, бу икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бирга ўзбек ва япон маданияти ҳамда санъати ҳақида маълумот олиш учун бир қанча қулайликлар яратиб бермоқда.

Бундан ташқари, санъаткорлар тадбир давомида Япония миллий санъати ва маданиятига оид кўргазмали чиқишлар намойиш қилди. Тадбирда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан ижодкорларга мурожаат қилди. Мазкур анжуманнинг кўтаринки руҳда ўтказилишидан шу нарса маълумки, ҳар икки давлат вакилларида ҳам миллийликни ривожлантириш, дунёга танитиш хоҳишлари юқори. Бундай тадбирлар албатта, эртага ўзининг ижобий томонларини кўрсатади.

**«Туркистон-пресс»**

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ *доно бўлур...*

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**На ҳар сўзда баҳс қилмоқ раво,**
**Буюклик хатосини тутмоқ хато.**

* * *

**Киши бўлса беобрў муттаҳам,**
**Киши обрўсидин анга не ғам.**

* * *

**Мансаб шаҳарнинг эшигидин ташқари.**

* * *

**Ҳунарлик киши ҳар қайға борар, шараф кўрар ва юқорида ўлтирар. Ва ҳунарсиз киши ҳар қаерғаки борар, луқма терар ва машаққат кўрар.**

* * *

**Подшоҳларнинг қўлларидин ва тилларидин ҳар нимарсаики содир бўлса, албатта тилларда сўзланур. Авомнинг сўз ва феълиға ул қадарки эътибор йўқдур.**

* * *

**Мумсикнинг кумуши тупроқдин ул вақтда чиқарки, ўзи тупроққа киргач.**

* * *

**Чўлларнинг қуми лаъл бўлса, гадоларнинг кўзи тўйғай.**

* * *

**На ердаки шароб бор, кейнидин кулфати бордур.**

* * *

**Кўрмасмусен бўстондаки, яхши бўйлик тол дарахти бордур ва қуруқ яғоч бордур. Анингдек бойларнинг гуруҳида шокирлар ва куфрони неъмат айлаганлар бордур. Дарвешларнинг ҳалқасида ҳам сабр этганлар ва этмаганлар бордур.**

* * *

**Фақирларнинг мақбули ул кишидирки, бойларнинг енгини тутмас.**

* * *

**Мамлакат оқил кишилардан зийнат олур ва дин аҳли тақводин камол топар. Подшоҳлар оқилларнинг насиҳатиға муҳтожроқдурлар, оқиллар подшоҳларға яқин бўлмоққа эҳтиёжлардин.**

* * *

**Модомики, иш ақча билан ҳосил бўлур, жонни ҳалокатға ташламоқ лойиқ эмас.**

* * *

**Икки киши мамлакат ва диннинг душманидурлар: бири ҳилмсиз подшоҳ ва яна бири илмсиз зоҳид.**

* * *

**Ғазаб ўти аввал ўз эгасиға тушар. Сўнгра аланга душманға етар ё етмас.**

* * *

**Ёмон хулқлик киши бир душман қўлиға гирифтордурки, ҳар қаерғаки борса, анинг уқубати панжасидин халос тополмас.**

* * *

**Ҳар кимки ёмонлар бирла ўлтурур эса, яхшилик кўрмас.**

* * *

**Агар жамиъи кечалар Лайлат ул-қадр бўлса эрди, Лайлат ул-қадр қадрсиз бўлур эди.**

* * *

**Иш – кўнгилдадур, вужудда эмасдур.**

* * *

**Ҳар кимки насиҳат тингламас эса, маломат эшитмоқ савдосини тутар.**

* * *

**Агар очлиқ балоси бўлмаса эрди, ҳар бир қуш тузоққа тушмас эрди, балки овчи тузоқ қўймас эрди.**

* * *

**Ҳакимлар кеч-кеч ерлар ва обидлар бир оз тўйгунга қадар ерлар ва зоҳидлар ўлмагудек даражада ерлар ва йигитлар табақда бир нимарса қолмагунча ерлар ва қарилар терлагунга қадар ерлар. Аммо қаландарлар шул қадар ерларки, меъдада нафас оладурғон ер ва дастурхонда кишининг ризқи қолмағай.**

* * *

**Ҳар кимнингки душмани олдидадур, агар ўлдирмаса ўзи-ўзиға душмандур.**

* * *

**Бир сахий кишики еса ва бўлакға эҳсон айласа, яхшидур бир обиддинки, рўза тутса ва мол жамъ айласа.**

* * *

**Ҳар кимки халқнинг мақбули бўлмоқ учун лаззати дунёвийни тарк айламишдур, лаззати ҳалолдин лаззати ҳаромға тушмишдур.**

**Мулло МУРОДХЎЖА таржималари**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! ТОШКЕНТ ШАҲРИ, С. РАҲИМОВ ТУМАНИ, М. ЎРОЗБОЕВ КЎЧАСИ, 1-А УЙДА ЖОЙЛАШГАН «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

2007 йилнинг 11 декабрь куни соат 11:00да, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:

**Савдога:** Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2007 йил 20 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази ҳудудида сақланаётган, «Дэу Нексия» русумли, давлат рақами 30 N 6625 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда: **Бошланғич баҳоси – 6 238 000 сўм.**

Ушбу кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АКИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги МФО: 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.**

**Диққат тузатиш:** "Тошкент оқшоми" газетасининг 20.07.2007 йилдаги 230-сонида чоп этилган хабарномада давлат рақами 10 W 9999 бўлган, «AUDI A8S» русумли автотранспорт воситасининг аукцион савдолари 2007 йилнинг 4 декабрь куни соат 11:00да, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади деб ўқилсин.

*Маълумот учун телефон: 228-79-52. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz*

Лицензия: DB 001 №000004

ДП «Bimiko industrial» корхонаси тугатилади.
Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Яккасарой тумани, Мироқилов кўчаси, 38-уй. Телефон: 132-74-36.

Худойназаров Ф.А. номига берилган тадбиркорлик гувоҳномаси № 05-02759 ва муҳр (шахсий), ҳужжатлари тўплами йўқолган. Топган кишилардан қуйидаги телефонларга мурожаат этишингизни илтимос қиламиз.
Тел. 109-43-36, 186-75-60

